

Феруза Файзуллаевна РАСУЛОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
катта ўқитувчиси (PhD)
E-mail: f.rasulova@jiaau.uz

Сурайё Икромжон кизи АБДУМАЛИКОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг
ахборот ва психологик хавфсизлиги
ўналиши магистранти

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАХС РИВОЖЛАНИШИГА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ

СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ВЛИЯНИЕ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ НА РАЗВИТИЕ ЛИЧНОСТИ

THE SOCIO PSYCHOLOGICAL IMPACT OF FAMILY RELATIONSHIPS ON THE DEVELOPMENT OF THE PERSON

Аннотация: Маълумки, шахснинг шаклланиши динамик хусусиятга эга. Шунинг учун унинг ривожланишида гоҳо илгарилаб кетиш, гоҳо тараккиётдан орқада қолиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Оқибатда, баъзан ўсмирларнинг ҳатти-ҳаракатларида ўзини ўзи маҳкум қилувчанлик белгилари намоён бўлиши кузатилади. Ушбу мақолада унинг вужудга келиш сабаблари, оқибатлари ва олдини олиш чоралари ёритилади.

Калит сўзлар: Суицидал ҳолат, дисфункция, патологик ва нопатологик ҳолат, адаптация, диссоциал, психокоррекция, генезиси, аффектив реакция, деформация.

Аннотация: Известно, что формирование личности обладает свойством к динамичному росту. Поэтому в развитии личности бывают случаи прогресса, иногда отставания. В результате иногда наблюдается, что подростки проявляют признаки самоосуждения в своем поведении. В данной статье описаны причины, последствия и меры профилактики возникновения таких признаков.

Ключевые слова: Суицидное состояние, дисфункция, патологическое и непатологи-

ческое состояние, адаптация, диссоциация, психокоррекция, генезис, аффективная реакция, деформация.

Abstract: It is known that the formation of personality is dynamic. This is why in the development of personality both progressing and lagging behind cases happen. As a result, it is observed that sometimes teenagers demonstrate signs of self-condemnation in their behavior. This article describes reasons, consequences, and prevention measures for the emergence of such signs.

Key words: Suicidal state, dysfunction, pathological and non-pathological condition, adaptation, dissociation, psychocorrection, genesis, affective reaction, deformity.

Ўсмир ёшдаги шахслар ўзларининг жисмоний ва рухий саломатликлари билан боғлиқ, хотиржамликнинг қадрига етмайдилар, турли жисмоний шикастланишлар, рухий тушкунликлар натижаси ўларок, ўз истикбол режаларини туза олмайдилар, худди шу боис, ўзларининг ижтимоий мавқеларига путур етказадилар. Хулқ-атвордаги оғишларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан таназзули улар турмуш тарзининг носоғлом кечишига, уларни алкоголизм ва наркомания иллатлари сари етаклайди, баъзан суицидал (ўзини ўзи ўлдириш) ҳолатига олиб келади.

Биз ўзини ўзи маҳкум қилувчи хулқ-атвор деганда, нафақат организмнинг жисмонан носоғломлиги, балки ўсмир шахси ривождаги ахлоқсизлик, маънавий қашшоқлик, турли даражадаги дезадаптацияга олиб келувчи шахс дисфункцияларини тушунамиз. Ўсмир шахсида дисфункциялар кечиши патологик ва нопатологик кўринишга эга.

Ўсмирларда ўзини ўзи маҳкум қилувчи хулқ-атвор ва унинг таснифлари қуйидагича ифодаланиши мумкин.

I. Ўсмир шахси бузилиш даражаси: а) олд патологик; б) нопсихотик; в) психотик.

II. Маҳкум қилувчи хулқ-атвор типлар: а) ҳаётий талофат; б) жисмоний зиён-заҳмат; в) маънавий-ахлоқий камолотга зиён-заҳмат; г) ижтимоий мавқега зиён-заҳмат.

III. Ижтимоийлашув адаптация босқичлари: а) барқарор адаптация; б) паркиал адаптация; в) бекарор адаптация; г) дезадаптация [9; 26].

Ўсмир шахсидаги бузилиш даражаларини қуйидаги мисол орқали яққол ифодалаш

мумкин. Масалан, алкогольга нисбатан мойилликни олайлик. Ҳар замонда ичиб туриш, яъни алкогольга эпизодик хусусиятли мойиллик, байрамларда, дўстлар даврасида, вақтни қизиқарли, марокли ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар гарчи ушбу ҳолат ҳам ўсмир шахси шаклланишига маълум даражада таъсир қилсада, албатта патология эмас. Алкоголни тез-тез қабул қилиш оқибатида унга боғланиб қолиш эса патология, лекин психотик даража эмас.

Агар алкогольга ёки наркотик моддаларга ружу қўйиш ҳақиқий касаллик симптоми даражасига етганда, улар билан боғлиқ чуқур ўзгаришлар («ломка») рўй берса, бу психотик даража ҳисобланади.

Маҳкум қилувчи хулқ-атвор типлари психологияда қуйидагиларга ажратилади: а) шундай ҳатти-ҳаракат ва хулқ-атвор мавжудки, бу индивидуум учун зарарли ҳисобланиб, у ўзини ўзи ўлдириш (суицидал ҳолат) билан тугаши мумкин. Лекин таваккалчилик билан боғлиқ спорт турлари, жумладан, авто ва мото пойғалар, альпинизм, бокс ёинки, ҳаёт учун хавфли касбкор; ўт ўчирувчи, каскадиор, жамоат тартиби ва миллий хавфсизликни сақлаш бўлинмалари баъзи вакилларининг фаолияти (гарчи улар нимага кетаётганларини чуқур англаган тақдирда ҳам, баъзан ўз ҳатти-ҳаракатларининг охири ўлим билан тугасада), албатта бундан мустасно. Чунки бундай масъулиятли касб эгаларида ўзига ишонч, ҳар қандай вазиятда ўзини синаб қўраш ва ғалаба нашидаси устиворлик қилади; б) ўз организмига жисмонан зарар етказиш билан боғлиқ бўлган, депрессив ҳолат (руҳий азобланиш) натижасида ўзига ўзи тажовуз қилиши билан кечади; в) маҳкум қилувчи хулқ-атворнинг типи жамият томонидан қабул қилинган умуминсоний меъёрларга зид бўлган деликвент хулқ-атвор хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бунда нафақат умумбашарий меъёрлар, балки умуминсоний қадриятлар, диний меъёрларни сақлаш назарда тутилади. Акс ҳолда инсоният ўзининг ибтидоий аждодларидан фарк, қилмай қолар эди. Гарчи инсон давр ўтиши билан биологик тузилиши нуқтаи назаридан чуқур ўзгаришларга учрамаган бўлсада, лекин ўзининг миллий анъаналарига, миллий маданиятига, миллий ахлоқ меъёрларига қарши тутар экан, у маънавий қашшоқдир. Зеро, тўрт муччаси

соғлом ўсмирнинг ассоциал (аксижтимоий) гуруҳлардаги иштирокини, ахлоқ тузатиш муассасаларига тушиб қолишини, турли экстремистик гуруҳлардаги фаолиятини, ўзининг ҳаётини барбод қилишини фақат унинг ўзини ўзи маҳкум қилувчи хулқ-атворидангина излаш мумкин; г) маҳкум қилувчи хулқ-атворнинг кейинги типини ижтимоий мавқега зиён-заҳмат етказиш, деб аташ мумкин. Оддий бир мисол, ўсмир ўз ота-онасига қўнгилсиз ташвиш келтириш мақсадида ўқишни ташлайди. Бу билан у ўзини ўзи тасдиқлашга уринида ва ҳоказо. Қайд этилган ҳолатларнинг барчасида ижтимоий дезадаптациянинг у ёки бу даражалари изоҳланади.[7; 55]

Шундай қилиб, ўсмир ҳаётининг кечишида баъзан «қўз илғамас ўзгаришлар», баъзан эса фавқулоддаги «янгиликлар», «ёрқинликлар» умумий таъсирида унинг тақдирини ўзгартирувчи маънавий тушқунликлар ҳам рўй беради. Шулардан бири — ўсмирнинг ўз жонига қасд қилиши билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатидир.

Сир эмаски, ўз жонига суиқасд қилиш жамиятга ҳамда оилага маънавий ва моддий жихатдан жуда катта зарар келтиради. Чунки ўз жонига қасд қилган ўсмир: а) маълум муддат ўқишга (ишга) яроқсиз бўлиб қолишлари; б) сурункали давом этувчи оғрикдар сабаб турли асабий зўриқишларнинг ортиши; в) ҳам жисмоний, ҳам руҳий мажруҳлик, ногиронлик; г) ўз жонига қасд қилишга уринишининг янада кучайиши ҳолатларини бошидан кечирадилар.

Ўз жонига қасд қилиш генезисида оиланинг, оила аъзолари, улар орасидаги шахслараро муносабатнинг ўрни бекиёс. Оиладаги носоғлом психологик муҳит шахс ривожланишида ижтимоий-психологик деформация омили сифатида юзага чиқади ва уни ўз жонига қасд қилишга «ундайди».

Ўз жонига қасд қилиш ва ўз жонига қасд қилишга уриниш муаммолари билан шуғулланган бир қатор олимлар М.Г. Давлетшин, Р.Б. Шоумаров, С.А. Охунжонов, А.Г. Амбрумова, Л.И. Пуставаловаларнинг фикрича, ушбу ҳолат содир этилишидаги оилавий омиллар ўрнини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: [5; 173]

- илк болалик даврида оилада отанинг йўқлиги;
- оилада фарзандга она меҳрининг этишмаслиги;

- оилада ота-оналик нуфузининг етарли даражада эмаслиги;
- оилада матриархал услуб муносабатларнинг етакчилиги;
- оилавий муносабатларда ўз ўрнини топа билмаган катта ёшли оила аъзоларининг «ўзлигини» тасдиқлаш мақсадидаги турли хил уринишлари: а) эмоционал «портлаш», б) болага жазо усуллари қўллаш, в) ҳатто, болага тан жароҳат етказиш;
- ажрашган оилалар;
- оилада ёки оила шажарасида ўз жонига қасд қилган ёинки қасд қилишга уринган кимсанинг мавжудлиги ва хоказолар.

Шу билан бир қаторда ўз жонига қасд қилиш учун катта имконият яратувчи ижтимоий-психологик оила типлари қуйидагиларга ажратилади:

1. Ўзаро узвий боғлиқ бўлмаган оила типи — оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари фақатгина расмий хусусиятга эга, улар бирор-бир оилавий муаммоларни ўзаро маслаҳатлашиб, ўзаро келишув асосида амалга оширмайди. Уларнинг муносабатларида ҳиссиёт этишмайди. Оқибатда оила аъзоларидан бири доимо ўзини ёлғиз ҳис этади, унда оила аъзоларининг барчаси менга қарши деган фикрнинг устунлиги билан тавсифланади.

2. Ўзаро муносабатлари ўта жипслашган оила. Бу оила типи юқорида қайд этилган типнинг бутунлай акси. Оила аъзолари бир-бирларига ҳам қалбан, ҳам жисмонан жуда боғлиқ бўладилар. Оила аъзоларидан бирининг муаммоси, унинг шахсий муаммоси эмас, бу умум оилавий муаммо тарзида қабул қилинади. Унинг ечимида барча оила аъзолари баробар иштирок этадилар. Улар бир-бириларисиз «ҳеч ким» ва «ҳеч нарсага қодир эмасдек». Шундай оила аъзоларидан бирининг «йўқотилиши» бошқалар учун талофат ҳисобланади.

3. Ўзаро қовушмаган оила типи. Оила аъзоларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари мақсадларининг ўзаро мос келмаслиги, умумий хоҳиш-истакларнинг этишмаслиги, оилада умум қабул қилинган меъёрларнинг фақат мажбурият юзасидангина бажарилиши, ушбу меъёрларга бўйсунмаган аъзонинг доимий тарзда тайзик остида ушланишга, ўзи хоҳламаган хулқ-атвор, одатларини бажаришига зўрлик билан ундаш оқибатида ҳатарли вазиятни юзага келтириши билан изоҳланади.

4. Ўзига етарли ёпиқ оила типи. Ушбу оила аъзоларининг асосий мақсади оила беками кустилигига эришишга қаратилади. Ҳаёт учун зарурий бошқа ишлар иккинчи даражали бўлиб, улар фақат ёрдамчи воситалар сифатида тан олинади. Акс ҳолда оилада танглик ҳолати вужудга келади. Бу уларда: жадал салбий ҳислар, ноаниқ туйғулар, нотинчлик, кишини «из»дан чиқишига олиб келадиган кучли ваҳима, ёлғизлик ташвиши, ишончсизлик, ўз шахсига, ўзининг келажагига умидсизлик руҳидаги қарашлар шаклланишига сабаб бўлади. [3; 138]

Маълумки, танглик ҳолатида ўсмирнинг билиш жараёни ва хулқ-атворда турли «оғиш»лар учрайди:

- а) диққат ҳажмининг торайиши;
- б) ахборотлар қабул қилинишининг издан чиқиши;
- в) хотира билан боғлиқ функциялар қийинлашуви;
- г) фикрларини баён этишдаги ноаниқлик;
- д) тафаккур фаолиятининг сусайиши;
- е) ўсмир шахсида ўзининг «Мен»ига нисбатан муносабатнинг ўзгариши;
- ё) ўз ҳатти-ҳаракатига атрофлича танқидий қарай билмаслик;
- ж) ўз ҳиссиётини ақл, онг бошқарувида ушлаб билмаслик, ўз жонига қасд қилиш учун қулай фурсат ҳозирлайди.

5. Мутаносиб оила типи. Ташқи муҳит ўзгаришига мослаша олмаслик бундай оиланинг асосий хусусияти ҳисобланади. Мабодо оила аъзоларидан бири оиладан ташқаридаги қандайдир низоли вазиятнинг иштирокчиси сифатида муаммога дуч келса, оиланинг қолган аъзолари унга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига уни жазолайдилар, яъни ундан узоқлашадилар, гоҳо «душман» томон фикрларини ўринли эканлигини таъкидлаб, уни «маҳкум» этадилар. Бу ҳолатни қабул қила олмаган жабрланувчининг эса гуё ўз жонига қасд қилишдан бошқа иши қолмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳозир ҳам ўз жонига қасд қилиш хавфи сақланиб қолган. Бундай инсонлар психологлар, юристлар, педагоглар, тиббиёт ходимлари ёрдамига муҳтождирлар.

Мисол қилиб айтсак, Е. исмли мижоз - қиз бола 13 ёшда. Ўз жонига қасд қилиш мақсадида, ўзи яшайдиган кўп қаватли уйининг 3 қаватидаги хонаси деразасидан ўзини ташлаган. У бўлимда ўзининг интизомсизлиги, кайфиятининг тез-тез

ўзгариб туриши, катталар билан муносабатда кескинлик, кичикларни менсимай, «қақшатиш» каби ҳатти-ҳаракатлари билан ажралиб туради. Психологик тадқиқотлар натижасига кўра: ўзаро муносабатлар доирасидаги номутаносиблик, аффектив реакциянинг ўзгарувчанлиги унда аччиқланишнинг устунлиги, кайфиятининг қайғули ғамгинлиги кузатилди. У оилавий аҳволининг оғирлиги, ёмонлигидан, ҳиссий кечинмаларини ҳеч ким билан ўртоқлаша олмаслигидан шикоят қилди. Унинг фикрича: «онасининг тили заҳар, уни бесабаб жазолайди», «ўғай отасидан жуда қўрқади, чунки у шафқатсиз»,... «уриш жанжал вақтида ўз онамни уриб юборгим келади, баъзан у менинг онамлигини ҳам унитиб қўяман», «ўзимни йўқотиб қўяман, менга тазйиқ ўтказишларини ёқтирмайман», «мен кўпроқ қаратэ, самбога қизиқаман, умуман «ур-сур»ларга тўла фильмларни кўраман» ПДС (патохарактерологик сўровнома) натижаларига кўра, суст муросасизлик (турмушдаги ходисаларга мослашишни хоҳламаслик), эмансипация реакциясининг, яъни ҳар қандай ўғитлардан, ҳомийликлардан, назоратлардан ҳоли бўлишга интилишининг ёрқин ифодаланиши, доимий низоли вазиятларда устунликка эришиш уруниши мавжудлиги аниқланди. Индивидуал хусусиятларида: ғазабкорлик, ўзининг муваффақиятсизликларида кимнидир айбдор деб билса, албатта ундан ўч олиш ҳиссининг юқорилигини тан олиб, «мени ҳаттоки майда-чуйда танбеҳ ва инкорлар ҳам ранжитади, кўтара олмайман» дея жавоб қайтарди. Тадқиқотлардаги шахсий ҳавотирланиш ва реакция кўрсатиш шкаласи бўйича реактив ҳавотирлик ва юқори шахсий ҳавотир, яъни доимий ва барқарорлиги билан ажралиб турувчи шахсий ҳавотирга асосланган вазиятни «тахдид», деб идрок қилиш ҳолати аниқланди.

Психолог ҳулосаси. Касалнинг турмуш тарзи агрессив химоя хулқи шаклланишига олиб келган. Унда қатъий эътироз реакциясининг устунлик қилишига кўра, эпилептик ва истерик характер ҳислатлари бор деб ҳулоса чиқаришга имкон беради. Унда интеллект сақланган. Оила ва мактабдаги вазиятларнинг таҳлилига кўра, бир-бирини ҳақоратлашгача етиб боровчи низоли муносабатлар, ўқишга лаёқатлилиқ мавжуд бўлсада, лекин унга нисбатан қизиқишнинг йўқлиги, жамоат ишларидаги фаолсизлик, кўполлик, дўст

орттиришга интилиш ўрнига ёлғизликни хуш кўришлик аниқланди. Шу маълумотларга асосланиб, унга эпилептик психопатия диагнозини қўйиш мумкин. Шундай қилиб, юқорида таъкидлаб ўтилган ўсмир реакциялари муайян шароитларда вужудга келиб, улар ўсмирлик даврининг кечишида ўзининг маълум бир «ҳиссаси»ни кўшади.

Ҳулоса қилиб айтганда, ўсмир шахсини ўрганишга қаратилган барча ёндашувларга, тамойилларга, йўл-йўриқларга замон руҳи орқали назар ташлаш талаб этилади. Бизни қизиқтираётган психик бузилишнинг бошланиши ва намоён бўлиш жараёни, уни ташкил қилувчи хусусиятлари ҳамда кечилишининг асосий вариацияларини чуқур таҳлил қилиш маҳкум қилувчи хулқ-атвор ривожланишининг назарий «намунаси»ни тузиш, сўнгра шакллантирувчи тажриба мажмуасини яратиш, психокоррекцион руҳий тузатиш ва тарбиявий таъсирлар тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Бандура А, Уолтерс Р. (2000). Подростковая агрессия: изучение влияния воспитания и семейных отношений. – М.: Эксмо пресс. 2000. –15 с.
2. Давлетшин М.Г. (1974) Ёш психологияси ва педагогик психология. –Т., - 88 б.
3. Каримова В. (2007) Оила психологияси. –Т., -138 б.
4. Michael P. Nichols, PH.D. Richard C Schwartz, PH.D. (2001) Family therapy. Concepts and methods. Fifth Edition. Allyn & Bacon Pearson Education, Inc.
5. Rasulova, F. F. (2016). Characteristics of principal ways and methods of correction of aggressive behavior among teenagers. Theoretical & Applied Science, (9), 173-176.
6. Семенюк Л.М. (1996). Психологические особенности агрессивного поведения подростков и условия его коррекции. Москва: – Воронеж, 1996. – 49 с.
7. Смирнова Т. П. (2004). Психологическая коррекция агрессивного поведения детей. Серия «психологический практикум». — Ростов н/д: «Феникс», 2004. –С. 55-56.
8. Черников А. (2001) Системная семейная терапия (Интегративная модель диагностики) Москва. Независимая фирма “Класс”. - 66 с.
9. Хакимова И.М. (2014.) Девиант хулқ-атвор психологияси. –Т., – Б. 26-28.
10. Ғозиев Э.Ғ. (1994) Психология. (Ёш даврлар психологияси). –Т. –Б. 125-126.